

6. Schlör H., Fischer W. & Hake J.-F. (2012). *Measuring social welfare, energy and inequality in Germany*. *Applied Energy*, 97, 135-142. doi:10.1016/j.apenergy.2012.01.03
7. Xi Jinping Up and out of poverty. Selected Speeches and Writings from Fujian. Foreign Languages Press Co., Ltd. The Secretariat of the Chinese Follow-up Committee of the Forum on China-Africa Cooperation Fujian People's Publishing House Co., Ltd., 2016.
8. Deborah Davis (1989). *Chinese Social Welfare: Policies and Outcomes*. The China Quarterly, No. 119, Special Issue: The People's Republic of China after 40 Years (Sep., 1989), pp. 577-597. Cambridge University Press.
9. China's social security system. <https://clb.org.hk/en/content/china%E2%80%99s-social-security-system>
10. A simple overview of China's basic medical insurance system. <https://www.melchers-china.com/posts/a-simple-overview-of-chinas-basic-medical-insurance-system/>
11. Blaxland M., Shang X. & Fisher K.R. (2014). *Introduction: People Oriented: A New Stage of Social Welfare Development in China*. Journal of Social Service Research, 40(4), 508-519. doi:10.1080/01488376.2014.923801
12. Social spending makes up 20% of OECD GDP. <https://www.oecd.org/els/soc/OECD2020-Social-Expenditure-SOCX-Update.pdf>
13. World Bank data for US\$2.5 and US\$5 a day, respectively, 2005 purchasing power parity (PPP).
14. Poverty and Living Conditions Statistics, 2022. <https://data.tuik.gov.tr>
15. Turkey's Integrated Social Assistance System. the World Bank https://www.aile.gov.tr/SYGM/PDF/Turkeys_integrated_social_assistance_system.pdf



МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ (Навоий вилояти мисолида)

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a15

Ўроқов Мамурали Одил ўғли
Ўзбекистон Миллий университети
Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент
кафедраси таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақола Навоий вилоятида мавжуд бўлган меҳнат ресурсларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда демографик таҳлиллар асосида улардан фойдаланиш ҳолати ва ҳаракатининг иқтисодий таҳлиллари олиб борилган. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишининг бугунги кундаги замонавий ёндашувларини қўллаш орқали вилоядаги ялпи ҳудудий маҳсулотнинг янада ошиши ҳамда унинг аҳоли жон бошига тушадиган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ҳажми ошишига таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий ва демографик омиллар ҳам таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: Навоий вилояти, меҳнат ресурслари, ижтимоий-иқтисодий, демографик, иқтисодий таҳлил, замонавий ёндашувлар, ялпи ҳудудий маҳсулот, ижтимоий-иқтисодий ва демографик омиллар, синтез-анализ, статистик таҳлил.

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ В РЕГИОНАХ НАШЕЙ СТРАНЫ (в примере Навоийской области)

Уроков Мамурали Одил углы
докторант кафедры "Региональная экономика"
Национального университета Узбекистана

Аннотация. В данной статье представлен экономический анализ имеющихся в Навоийской области трудовых ресурсов на основе анализа их использования. Также анализируются социально-экономические и демографические факторы, влияющие на увеличение валового регионального продукта в регионе и объема валового регионального продукта на душу населения за счет применения современных подходов к использованию трудовых ресурсов.

Ключевые слова: Навоийская область, трудовые ресурсы, экономический анализ, современные подходы, валовый региональный продукт, социально-экономические и демографические факторы, синтез-анализ, статистический анализ.

ECONOMIC ANALYSIS OF THE USE OF LABOR RESOURCES IN THE REGIONS OF OUR COUNTRY (in the case of Navoi region)

Urokov Mamurali Odil ugli

*National University of Uzbekistan, Department of
"Regional Economy", 2nd stage basic doctoral student*

Annotation. This article presents an economic analysis of labor resources available in Navoi region based on the analysis of their use. Socio-economic and demographic factors that influence the increase of the gross regional product in the region and the volume of the gross regional product per capita by applying modern approaches to the use of labor resources are also analyzed.

Keywords: Navoi region, labor resources, economic analysis, modern approaches, gross regional product, socio-economic and demographic factors, synthesis-analysis, statistical analysis.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шаклларидан бири ҳисобланаб, бунда минтақаларда мавжуд меҳнат ресурсларидан янада самарали фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини таҳлилий баҳолаш муҳим ҳисобланади. Минтақа иқтисодиётида ўртача ойлик соф иш ҳақи (солиқдан кейин) кўрсаткичини таҳлил этиш минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишларини аниқлашда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, 2022 йилда мазкур кўрсаткич бўйича қўйидаги шаҳарларни кўриб чиқамиз: "Цуг, Швейцария 7434.72, Сан-Франсиско [1], СА 7342.77, Вашингтон, DC 6474.04, Сингапур 4934.72, Люксембург 4694.75, Дубай 4054.24, Амстердам 3825.36, Доҳа 3787.43, Мюнхен 3695.19, Осло 3673.53, Гонконг 3256.13, Стокгольм 3168.48, Токио 2452.03, Риядҳ 2298.09, Тошкент 405.95, Навоий[2] 455.70 АҚШ долларини ташкил қилган"[3]. Минтақалар ўртасида нотекис ривожланишни камайтириш, демографик ўзгаришларни таҳлил қилиш, иқтисодий ривожланишдаги тафовутларни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади.

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти фақат табиий ресурслари билан эмас, балки меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва сифати билан ҳам белгиланади. Ҳар бир минтақада доимий равишда ўзгариб турдиган меҳнат муносабатлари мавжуд бўлиб, бугунги кунда ушбу ўзгаришлардан келиб чиқиб, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган эътибор бирмунча ошмоқда.

Иқтисодий фаолият юритишнинг ҳамма шакллари ва кўринишларида тараққиётга эришишнинг бош омили меҳнат ҳисобланади.

Меҳнат инсоннинг маълум даражадаги эҳтиёжларини қондира оладиган ҳамда ўзига кепрак бўладиган моддий ёки маънавий неъматлар: буюм, товар, хизмат, фан, маданият, санъат асарлари ва ҳоказоларни ишлаб чиқариш, яратиш бўйича онгли, мақсадли фаолиятдир.

Иқтисодий назарияларда меҳнат деганда, инсонларнинг жамиятдаги мақсадли, аниқ бир йўналиш доирасидаги фаолият жараёни тушунилади ҳамда жамиятнинг иқтисодий ресурслари сифатида ҳам қаралади. Шунингдек, меҳнат бозорда товар вазифасини бажаради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Меҳнат ресурсларининг иқтисодий таҳлилларини, уларнинг фаолиятини ташкил этиш, унумдорлилик кўрсаткичини аниқлаш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда меҳнат фаолиятининг аҳамияти борасида турли даврларда ҳар хил қарашлар мавжуд бўлган. Бу қарашлар иқтисодчи олимлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, улар турли баҳсларга ҳам сабаб бўлган.

Иқтисодий назарияларда эътироф этилган таъриф шундан иборатки, меҳнат одамларнинг онгли, мақсадли фаолияти жараёни бўлиб, улар ёрдамида табиий объектларни ўзгартирадилар ва ўз эҳтиёжларини қондирис учун мослаштирадилар [15: 14-6].

Замонавий иқтисодий назарияда ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида меҳнат ресурслари қаралади. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурслари сотиб олинади ва сотилади, яъни товар ҳисобланади. Ресурс сифатида меҳнатнинг кўплаб белгилари мавжуд: меҳнат ресурслари, меҳнат салоҳияти, меҳнатга лаёқатли аҳоли, иқтисодий фаол аҳоли, ишчи кучи ва бошқалар.

Замонавий Farb иқтисодий назариясида меҳнат ва меҳнат бозори, уни ташкил этувчи турли таърифлар мавжуд бўлиб, хусусан, иқтисодчи олимлар Р.Ж.Эренберг ва Р.С.Смит:

"Меҳнат бозори ишчи кучи сотиб олувчи ёки сотовучи барча кишилардан иборат", – деб таъкидлаганлар [16: 32-6].

Ушбу қарашларга оид таҳлилларни Й.Дмитриев [4], Й.Г.Одегов [5], М.А.Винокуров [6], М.Шаленко [7], Г.Б.Чингаруали [8] В.А.Павленков [9], Қ.Х.Абдураҳмонов [10], З.А.Толаметова [11] каби иқтисодчи олимларнинг ишларида келтириб ўтишимиз жоиз.

Тадқиқот методологияси. Мақолада синтез-анализ, статистик-таҳлил, қиёсий назария, омилли таҳлил, индукция ва дедукция, нисбий кўрсаткич, таснифлаш ва тизимлаштириш каби методлардан фойдаланилган. Шунингдек, мақолада олиб борилган иқтисодий таҳлиллар натижаси турли кўринишдаги жадваллар, графиклар ҳамда схемалар билан кўрваладиган.

Сатиб берилган. Натижалар асосида зарур худосалар ҳам мақолада мужассам.

Таҳлили ва натижалар мухокамаси.

Худудларда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолати мавжуд меҳнат ресурслари жами имкониятларининг қанча қисмидан фойдаланилаётганини англатади. Фикримизча, бу умумий қараш бўлиб, худудларда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилишда қуидаги статистик маълумотлар орқали олинадиган натижалар муҳим ҳисобланади:

- йиллар кесимида яратилган ялпи худудий маҳсулотнинг банд бўлган меҳнат ресурслариға нисбатининг динамикаси;

- банд бўлган меҳнат ресурсларининг маълумотига боғлиқ равишда ялпи худудий маҳсулотнинг ўзгариш нисбийлиги.

1-жадвал

Навоий вилояти меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг йиллар кесимидағи статистикаси (минг киши) [12]

| Йиллар | 2005 | 2010 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|------------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони | 483.0 | 541.7 | 575.0 | 579,2 | 583,1 | 588,8 | 594,2 | 597,7 | 601,1 |

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2021 йилда Навоий вилоятида меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 2005 йилга нисбатан қарийб 1.25 марта (118.1 минг киши)га ортган.

2005-2021 йиллар оралиғида Навоий вилоятида меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ўзгариши мутлақ ўсуви тенденцияга эга бўлган. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ортиши иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Навоий вилоятининг катта худудга (110,8 минг кв.км.) эгалиги, табиий ресурсларга бой-

лиги (янги конларни ишга тушириш имконияти) ва иқтисодий потенциалга нисбатан аҳоли сонининг камлиги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ортишининг ишсизлик муаммосини келтириб чиқармаслигига сабаб бўлади. Умумиқтисодий тилда Навоий вилояти меҳнат бозорида қўшимча талаб яратиш имкониятлари жуда юқори эканлигини англатади.

Меҳнат ресурслари бандлигини таъминлашда аҳолининг шаҳар ва қишлоқлар бўйича жойлашув кўрсаткичлари динамикасини таҳлил қилиш жуда муҳим ҳисобланади.

2- жадвал

2005-2021 йилларда Навоий вилояти аҳолисининг жойлашуви [13]

| Йиллар | 2005 | 2010 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|----------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Шаҳар аҳолиси | 321.6 | 420.9 | 448.5 | 455.1 | 460.9 | 467.6 | 478.1 | 487.7 | 497.0 |
| Қишлоқ аҳолиси | 488.6 | 430.7 | 464.7 | 472.8 | 481.9 | 490.4 | 501.4 | 509.4 | 516.6 |

2005-2021 йиллар оралиғида Навоий вилоятида жами аҳоли сони 203,4 минг кишига кўпайган. Хусусан, 2005-2021 йилларда вилоятда шаҳар аҳолиси 175.4 минг кишига, қишлоқ аҳолиси эса 28.0 минг кишига ортган. Шаҳар аҳолиси ўсиши мутлақ ўсиш тенден-

циясига эга, қишлоқ аҳолиси сонида эса 2010-2021 йилларда мутлақ ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Илмий тадқиқот ишимизнинг асосий мақсади меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга таъсир кўрсатувчи омилларнинг

таъсир даражасини аниқлаш ва таҳлил этишдан иборат. Ушбу таҳлилни амалга ошириш учун кўп омилли эконометрик модель қуриш лозим. Моделда омил кўрсаткич (ўзгарувчи)лар (x_n) сифатида иш билан банд бўлган аҳоли сонига таъсир кўрсатувчи қуидаги омиллар саралаб олинди:

- аҳоли сони (x_1);
- ялпи ҳудудий маҳсулот (x_2);
- саноат маҳсулотлари ҳажми (x_3);
- қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажми (x_4);
- қурилиш ишлари ҳажми (x_5);
- асосий капиталга инвестициялар (x_6);
- аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестиациялар (x_7);
- чакана савдо айланмаси (x_8);

$$y = a_1 \times x_1 + a_2 \times x_2 + a_3 \times x_3 + a_4 \times x_4 + a_5 \times x_5 + a_6 \times x_6 + a_7 \times x_7 + a_8 \times x_8 + a_9 \times x_9 + a_{10} \times x_{10} + \\ a_{11} \times x_{11} + a_{12} \times x_{12} + a_{13} \times x_{13} + a_{14} \times x_{14} + a_{15} \times x_{15} + a_{16} \times x_{16} + \mu$$

Бунда:

y – натижавий кўрсаткич (банд бўлган аҳоли сони);

a_n – омил кўрсаткичларнинг натижавий кўрсаткичга таъсирини акслантирувчи кўрсаткич (акселератор);

x_n – омил кўрсаткичлар (ўзгарувчилар);
 μ - озод ҳад.

Моделнинг умумий қўриниши ва қайтартибида қурилиши маълум. Кейинги қадамда илмий тадқиқот доирасида танланган ҳудудий бирликларнинг биттаси (Навоий вилояти) кесимида даврий қаторлар шаклида кўрсаткичлар жадвалини шакллантирамиз.

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum x_i + a_2 \sum x_i^2 + \dots + a_n \sum x_i^n = \sum y_i \\ a_0 \sum x_i + a_1 \sum x_i^2 + \dots + a_n \sum x_i^{n+1} = \sum x_i y_i \\ \dots \\ a_0 \sum x_i^n + a_1 \sum x_i^{n+1} + \dots + a_n \sum x_i^{2n} = \sum x_i^n y_i \end{cases}$$

Юқоридаги энг кичик квадратлар усули ёрдамида тенгламалар системасини ечиш на-

$$y = (-0,042691 \times x_1) + 0,003975 \times x_2 + 0,008749 \times x_3 + 0,174056 \times x_4 + 0,259613 \times x_5 + 0,001729 \times x_6 + \\ 0,000197 \times x_7 + 0,000657 \times x_8 + 0,000009 \times x_9 + 0,000183 \times x_{10} + 0,349816 \times x_{11} - 0,083541 \times x_{12} + \\ 0,648793 \times x_{13} + 0,001925 \times x_{14} + 0,008428 \times x_{15} + 0,047947 \times x_{16} + 0,397587$$

Илмий тадқиқот доирасида танланган Навоий вилояти кесимида даврий қаторлар шаклида кўрсаткичлар жадвалини шакллантирамиз.

Жадвалда келтирилган статистик маълумотлар асосида кўп омилли эконометрик модель қуришимиз учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотларни қайта ишлаган ҳолда “ x ”ларнинг ўрнини статистикада кенг қўлланиладиган жадвал тўлдириш методлари орқали рақамларга ажратамиз.

- ўртача иш ҳақи миқдори (x_9);
- олий таълим муассасалари битирувчи-лари сони (x_{10});
- меҳнатга лаёқатли аҳоли сони (x_{11});
- ишсизлар сони (x_{12});
- түғилганлар сони (x_{13});
- ўлганлар сони (x_{14});
- миграцион ўсиш (камайиш) (x_{15});
- аҳоли зичлиги (x_{16});

Кўп омилли эконометрик модель қурилишида натижавий кўрсаткич (y) банд бўлган аҳоли сонидир. Моделни қуришда илмий тадқиқотлар ишларида кенг қўлланиладиган энг кичик квадратлар усулидан фойдаланамиз. Ушбу усул орқали қурилган модельнинг умумий қўриниши қуидагича бўлади:

Жадвалда келтирилган статистик маълумотлар асосида кўп омилли эконометрик модель қуришимиз учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотларни қайта ишлаган ҳолда “ x ”ларнинг ўрнини статистикада кенг қўлланиладиган жадвал тўлдириш методлари орқали рақамларга ажратамиз.

Кейинги қадамда илмий таҳлилларда кенг қўлланиладиган энг кичик квадратлар методи орқали модельнинг қурамиз.

тижасида биз қурмоқчи бўлган модельнинг якуний қўриниши қуидагича бўлади:

ликаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотларни қайта ишлаган ҳолда “ x ”ларнинг ўрнини статистикада кенг қўлланиладиган жадвал тўлдириш методлари орқали рақамларга ажратамиз.

$$y = (-0,042691 \times x_1) + 0,003975 \times x_2 + 0,008749 \times x_3 + 0,174056 \times x_4 + 0,259613 \times x_5 + 0,001729 \times x_6 + 0,000197 \times x_7 + 0,000657 \times x_8 + 0,000009 \times x_9 + 0,000183 \times x_{10} + 0,349816 \times x_{11} - 0,083541 \times x_{12} + 0,648793 \times x_{13} + 0,001925 \times x_{14} + 0,008428 \times x_{15} + 0,047947 \times x_{16} + 0,397587$$

3-жадвал [14]

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | |
|---|--------|-------|-------|-------|-------|-------|
| | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 |
| Банд аҳоли сони (реал кўрсаткич) | 368,3 | 376,6 | 383,2 | 389,8 | 396,7 | 407,9 |
| Банд аҳоли сони (модель орқали олинган кўрсаткич) | 376,8 | 380,4 | 388,6 | 394,1 | 402,3 | 413,4 |
| Модель хатолиги (%да) | 2,2 | 1,7 | 2,5 | 2,1 | 2,1 | 2,6 |
| | 397,9 | 403 | 412,8 | 419,6 | 416,7 | 418,2 |
| | | | | | 0,9 | 0,7 |
| | | | | | 0,9 | 1,3 |
| | | | | | 1,5 | 1,4 |
| | | | | | 398,6 | 404,3 |

Навоий вилояти учун қурилган қўп омилли эконометрик моделдаги энг катта хатолик 2011 йилда (2,6 %), энг кичик хатолик эса 2007 йилда (0,7 %) аниqlанган. Моделдаги ўртacha хатолик 1,7 %ни ташкил этади.

Қурилган қўп омилли моделлар бўйича қўйидаги хулоса ва таҳдилларни беришимиз мумкин бўлади:

- аҳоли сонининг ошиш тезлиги мутлақ ўсувчи характеристерга эга бўлганлиги ва банд аҳоли сонининг ошиш тезлиги аҳоли сонининг ортиш тезлигидан сустроқ бўлганлиги сабабли аҳоли сонининг ортиши ва банд аҳоли сонининг ортиши ўртасида вилоятда тескари корреляцион боғлиқликни ҳосил қилган. Модель аҳолини сонининг 1000 кишига ортиши банд бўлган аҳоли сонининг Навоий вилоятида 62 кишига камайшини кўрсатмоқда (x_1);

- ялпи ҳудудий маҳсулот миқдори ва банд бўлган аҳоли сони ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик мавжуд. Бу икки кўрсаткич, агар омил кўрсаткич сифатида банд аҳоли сонини, натижавий кўрсаткич сифатида ялпи ҳудудий маҳсулот танлаб олинган ҳолатида ҳам тўғри корреляцион боғлиқликка эга бўлади. Навоий вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 1 % ўсиши банд бўлган аҳоли сонининг 0,35 %га ортишини аниqlamoқда (x_2);

- саноат маҳсулотлари ҳажми ва банд бўлган аҳоли сони ўртасида ҳам барча вилоятларда тўғри корреляцион боғлиқлик мавжуд. Бу икки кўрсаткич, агар омил кўрсаткич сифатида банд аҳоли сонини, натижавий кўрсаткич сифатида ялпи ҳудудий маҳсулот танлаб олинган ҳолатида ҳам тўғри корреляцион боғ-

лиқликка эга бўлар эди. Навоий вилоятида 0,16 %га орттиради (x_3);

- қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва банд бўлган аҳоли сони ўртасида вилоятларнинг барчасида тўғри корреляцион боғлиқлик мавжуд. Қишлоқ ҳўжалиги тармоғида мавсумий бандлик ва мавсумий ишсизлик мавжуд бўлганлиги учун ушбу боғлиқлик фагатгина умумий картинани кўрсатади. Аслида эса қишлоқ ҳўжалигининг турли ўналишларига қараб аҳоли бандлиги билан боғлиқлик даражаси турли даражада бўлади. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 1 %га ўсиши банд бўлган аҳоли сонини Навоий вилоятида 0,49 %га олиб келади (x_4);

- қурилиш ишлари ҳажми ва банд бўлган аҳоли сони ўртасида ҳам тўғри корреляцион боғлиқлик мавжуд. Аммо қурилиш ишлари ҳам қишлоқ ҳўжалиги тармоғи каби қисман бўлсада, мавсумий характеристерга эга. Навоий вилоятида қурилиш ишлари ва банд бўлган аҳоли сони ўртасида боғлиқлик даражаси бошқа тўртта вилоятдан қўра сезиларли даражада юқоририк (x_5);

- асосий капиталга инвестициялар, табиийки, янги иш ўринларини яратгани сабабли асосий капиталга инвестициялар ва банд аҳоли сони ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб, энг юқори натижана Навоий вилоятида (асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг 1 %га ортиши банд аҳоли сонининг 0,23 %га ортишига сабаб бўлади) қайд этилди. Ушбу ҳолат Навоий вилоятида аҳоли бандлигини таъминлашда “инвестицион чанқоқлик” бошқа ви-

лоялтарга нисбатан юқоригоқ эканлигини англатади (х6).

Хуоса ва таклифлар. Мехнат ресурсларининг меҳнат фаолиятини ташкил этишнинг зарурлиги объектив равишда мавжуд бўлган ҳамда доимий равишда ривожланиб борувчи категорияларга боғлиқ, яъни меҳнат тақсими-ти ва кооперацияси билан боғлиқдир.

1. Саноат корхоналарини модернизациялаштирган ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш натижасида ўртacha иш ҳақи миқдорини ошириш.

2. Вилоятнинг ижтимоий-иктисодий имкониятидан фойдаланиб, хизматлар кўрса-тиш соҳасини тақомиллаштириш.

3. Вилоятдаги математика фанининг яхши ўқитилишини ҳисобга олган ҳолда алго-ритмни ўқитиши ташкиллаштириши ҳамда бу орқали вилоятда IT-PARK имкониятларини ошириш.

4. Минтақадаги табиий қазилмаларнинг ҳисобига импорт товарларнинг ўрнини босувчи товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўшиш.

Мавжуд имкониятлар доирасида ви-лоятнинг иқтисодий омилларини таҳлил қилиб, 4-жадвалда кўрсатилганидек хуосага келдик.

4-жадвал

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларнинг аҳоли бандлиги билан боғлиқлик даражаси

| | Навоий |
|---|--------|
| <i>аҳоли сони</i> | |
| <i>ялпи ҳудудий маҳсулот</i> | |
| <i>саноат маҳсулотлари ҳајсми</i> | |
| <i>қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳајсми</i> | |
| <i>қурилиши шилари ҳајсми</i> | |
| <i>асосий капиталга инвестициялар</i> | |
| <i>аҳоли жсон бошига асосий капиталга инвестициялар</i> | |
| <i>чакана савдо айланмаси</i> | |
| <i>ўртacha иш ҳақи миқдори</i> | |
| <i>олий таълим муассасалари битирувчилари сони</i> | |
| <i>меҳнатга лаёқатли аҳоли сони</i> | |
| <i>ишилизлар сони</i> | |
| <i>тугилганлар сони</i> | |
| <i>ўлганлар сони</i> | |
| <i>миграцион ўсиш (камайиш)</i> | |
| <i>аҳоли зичлиги</i> | |

Изоҳ: қизил – юқори даражали боғлиқлик. Сарик – ўрта даражадаги боғлиқлик. Яшил – паст даражадаги боғлиқлик.

Кўп омилли модель қурилиши натижасида Навоий вилоятида аҳоли бандлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг аҳоли банд-

лиги билан боғлиқлик даражалари аниқланди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://www.numbeo.com/cost-of-living/city_price_rankings?itemId=105 Rankings by City of Average Monthly Net Salary (After Tax) (Salaries And Financing).
2. <https://navstat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2> Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги Навоий вилояти Статистика бошқармаси.
3. https://www.numbeo.com/cost-of-living/region_prices_by_city?itemId=105®ion=142
4. Дмитриев Й. Рынок труда: предложение и способы управления. // Проблемы теории и практики управления. – М., 1991, № 4.
5. Одегов Ю.Г. Экономика труда. Учебник и практикум для академического бакалавриата. / Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко. – Люберцы: Юрайт, 2016. – 423 с.
6. Винокуров М.А. Трудовые ресурсы региона и рынок труда. – Иркутск: Изд-во Иркутского ун-та, 1991. С. 248.
7. Шаленко М. Опыт прогнозирования занятости населения и рынка труда в переходной период: утраченные иллюзии и перспективы. "Экономика Украины". – Киев: 1992, № 3.
8. Чингаруали Г.Б. Экономико-математические методики для изучения занятости и использования рабочей силы. – Тбилиси: ТНУ, 1981.

9. Павленков В.А. Ринок труда. – М.: Аналит, 1992.
10. Abdurahmanov Q.X. Mehnat iqtisodiyoti: ijtimoiy mehnat munosabatlari. Darslik. –Т., 2011. – 494 б.; Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёті. Дарслік. –Т.: Мехнат, 2009. – 706 бет; Abdurahmanov Q.X. va boshq. Mehnat iqtisodiyoti. Darslik. –Т., 2009. – 237 б.; Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёті ва социологиясы. Дарслік. –Т.: Fan va texnologiya, 2012. – 388 бет.
11. Толаметова З.А. Мехнат бозори ва аҳоли бандлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 2005; Толаметова З.А. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида меҳнат бозорини ривожлантириши ўйналишлари. – Т.: Иқтисодиёт, 2014. – 303 бет; Толаметова З.А. Мехнат иқтисодиёті ва социологияси. Фан ва технология. 2017. – 400 бет.
12. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2> Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
13. Колобова А.И., Ларионцева А.М. Некоторые Теоретические Положения Трудовых Ресурсов И Трудового Потенциала. “Понятие «трудовые ресурсы» было впервые сформулировано в 1922 г. в одной из статей академика С.Г.Струмилина для характеристики национального богатства страны – трудового потенциала”. https://www.studmed.ru/kolobova-ai-larionceva-am-nekotorye-teoreticheskie-polozheniya-trudovyh-resursov-i-trudovogo-potenciala_d70496078b5.html
14. Эренберг Р.Дж., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика. – М.: Изд. МГУ, 1996.



МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ИНСОН КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Асамходжаева Шоира Шукуруллаевна
Тошкент менежмент ва иқтисодиёт
институти катта ўқитувчиси

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a16

Аннотация. Мақолада инсон капиталига инвестицияларни ўйналтиришнинг моҳияти ўрганилган ҳамда бу инвестицияларнинг мамлакат иқтисодий тараққиётига таъсири тадқиқ этилган. Шунингдек, Глобал Инновацион Индексда Ўзбекистоннинг ўрни инсон капиталига киритилган инвестициялар нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Иш сўнггида мавзуга доир ҳуросалар шакллантирилган.

Калим сўзлар: инсон капитали, инвестиция, иқтисодий ўсиш, инновация, самарадорлик, даромад, ҳаражат, меҳнат унумдорлиги, сармоя, илм-фан, инновация ресурслари, инновация натижалари.

ЗНАЧЕНИЕ ИНВЕСТИЦИЙ В ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ СТРАНЫ

Асамходжаева Шоира Шукуруллаевна
старший преподаватель
Ташкентского института менеджмента и экономики

Аннотация: В статье рассматривается сущность инвестиций в человеческий капитал и исследуется влияние этих инвестиций на экономический рост. Также было проанализировано положение Узбекистана в Глобальном инновационном индексе с точки зрения инвестиций в человеческий капитал.

Ключевые слова: человеческий капитал, инвестиции, экономический рост, инновации, эффективность, доход, расход, производительность труда, капитал, наука, инновационные ресурсы, инновационные результаты.

THE IMPORTANCE OF HUMAN CAPITAL INVESTMENTS IN THE ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY

Asamxodjaeva Shoira Shukurullaevna
Tashkent Institute of Management and Economics
Senior Lecturer

Abstract. The article discusses the essence of investing in human capital and examines the impact of these investments on economic growth. The position of Uzbekistan in the Global Innovation Index was also analyzed in terms of investment in human capital.

Key words: human capital, investments, economic growth, innovations, efficiency, income, expense, labor productivity, capital, science, innovation resources, innovation results.